

Куч – адолатда

Адл ила оламузин обод қил!

2024 йил
17 май,
жума
№ 25
(1007)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.kuch-adolatda.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БОТИР ЗОКИРОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Ҳурматли маданият ва санъат намояндалари!

Бугун юртимизда катта шодиёна – санъат ва маданият байрами. Азим Тошкент шаҳрининг қоқ марказида халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб муаззам ҳайкал очилмоқда.

Мана шу қувончли воқеа муносабати билан сиз, азизларни, раҳматли Ботир Зокировнинг яқинлари, шогирд ва мухлисларини, бутун халқимизни чин қалбимдан самими

мий муборакбод этаман.

Муҳтарам дўстлар!

Муқаддас юртимиз заминидан асрлар давомида не не буюк аллома ва шоирлар, адиб ва меъморлар, муҳандис ва рассомлар, ҳофиз ва бастакорлар етишиб чиққанини яхши биламиз. XX асрда ана шундай улуг зотларнинг муносиб давомчиси бўлиб Ботир Зокиров санъат майдонига чиқди.

Барчамизга маълумки, у Ўзбекистон халқ артисти Карим Зокиров ва хонанда Шоҳиста Саидова оиласида, зиёли бир муҳитда туғилиб, вояга етган эди.

Тақдир Ботир Зокировнинг зиммасига ўзбек эстрада санъатининг асосчиси бўлишдек улугвор бир вазифани юклади ва бу вазифани у шараф билан адо этди.

У санъат оламига қадам қўйганида республика ва собиқ иттифоқ саҳналарида бири биридан буюк ва бетакрор хонандалар шухрат чўққисига кўтарилиб улгурган эди. Ана шундай машхур санъат дарғалари орасида муносиб ўрин эгаллаш осон эмас эди.

Аммо, Аллоҳ таолонинг ўзи Ботир Зокировга ато этган бе-назир истеъдод ва инсоний

фазилатлар туфайли у санъат оламида чинакам мўъжизалар яратди.

Бундай юксак даражага эришиш учун у аввало халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятига, мумтоз мусиқа меросимиз, миллий ва умумбашарий қадриятларга таянди.

Ботир Зокиров ҳаёт машаққатларидан қўрқмайдиган, ҳар қандай шароитда ҳам фақат эзгу мақсад сари интиладиган беқийёс ирода ва матонат соҳиби эди.

Хонанда 1955 йилда, айна кучга тўлган пайтида оғир дардга йўлиқди. Хасталик ту-

файли бир неча марта ғоят мураккаб тиббий операцияларни бошидан ўтказди. Шифокорлар ҳофизнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун унга кўшиқ айтишни тақиқлашга мажбур бўлдилар.

Аммо “Куйламоқ – яшамок демакдир” деган эътиқодни ҳаёт мазмуни деб билган, исми жисмига мос ўзбек ўғлини кўшиқ айтишдан тўхтамади. Қалбидаги эзгу туйғуларни янада тўлиб-тошиб куйлади. Ҳеч шубҳасиз, бундай жасорат, санъатга бундай фидоийлик чексиз ҳайрат ва таҳсинга лойиқдир. (Давоми 2-бетда) ▶

САНЪАТ ВА МАДАНИЯТГА ЭЪТИБОР МАЪНАВИЯТИ ЮКСАК АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Президент Шавкат Мирзиёев 16 май кун Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳайкалининг очилиш маросимида иштирок этди, маданият ва санъат соҳасидаги янги маскан ва лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари миллий эстрада санъати асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳайкали очилиш муносабати билан ўтказилган тадбирда санъат мухлисларини қизгин табриқлади.

– Бугун юртимизда катта шодиёна – санъат ва маданият байрами. Азим Тошкент шаҳрининг қоқ марказида халқимизнинг ардоқли фарзанди, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб муаззам ҳайкал очилмоқда. Мана шу қувончли воқеа муносабати билан сиз, азизларни, раҳматли Ботир Зокировнинг

яқинлари, шогирд ва мухлисларини, бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман, – деди Президент.

Ботир Зокиров 1936 йилда санъаткорлар оиласида туғилиб, вояга етган. 29 ёшида Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган. 2000 йилда “Буюк хизматлари учун” ва 2021 йилда “Эл-юрт хурмати” орденлари билан мукофотланган.

Давлатимиз раҳбари хонанданинг беназир истеъдод ва инсоний фазилатларини эътироф этди.

Ботир Зокиров жуда қисқа – 49 йил умр кўрган. Лекин шу йиллар давомида ўзидан ранг-баранг ва бой ижодий мерос қолдирган. Унинг сеҳрли овози юртимиздаги ҳар бир хонандонга кириб бориб, халқимиз қалбидан, санъатимизнинг олтин фондидан жой олган. Дунёнинг маданият пойтахтларида ўзбек санъатини зўр му-

ваффақият билан намойиш этган.

Хонанда 1955 йилда, айна кучга тўлган пайтида оғир дардга йўлиқди. Бир неча марта жарроҳлик амалиётларини бошидан ўтказди. Шифокорлар унга кўшиқ айтишни тақиқлаб қўяди. Лекин шу аҳволда ҳам ижоддан, куйлашдан тўхтамайдди.

Ботир Зокиров умр бўйи янгиликка интилиб яшарди. Шарқ фольклори ва замонавий эстрада санъатини уйғунлаштириб, “Мюзик холл” ижодий жамоасини ташкил этган, хонанда ва композитор сифатида кўплаб истеъдодли ёшларга устозлик қилган. Республикада хизмат кўрсатган “Ялла” ансамблининг ташкил топишида Ботир Зокировнинг хизматлари беқийёсдир.

Буюк санъаткорнинг сўнмас хотирасини эъзозлаш, ижодий меросини ўрганиш бўйича кўп ишлар қилин-

моқда. Хусусан, Президент қарори қабул қилиниб, 2021 йилда Ботир Зокировнинг 85 йиллик таваллуд айёми кенг нишонланди. Улуг ҳофиз номидаги миллий мукофот таъсис этилди. У ҳақда илмий ва бадиий асарлар, ҳужжатли фильм ва спектакллар яратилди. Яқинда Ботир Зокировнинг хотира кечаси мамлакатимиз жамоатчилиги ҳамда хорижий давлатлардан ташриф буюрган атоқли санъаткорлар иштирокида катта шодиёна сифатида ўтказилди.

Ботир Зокиров таҳсил олган Ўзбекистон давлат консерваторияси жойлашган кўчага у кишининг табаррук номи берилди. Ушбу консерватория ҳузурида Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада санъати институти барпо этилди. Энди бу ерда ҳайкал ўрнатилиши мажмуага янада кўрк бағишлади. (Давоми 2-бетда) ▶

Маълумки, буйруқ тартибида иш юритиш фуқаролик судларида иш юритишнинг энг содда тури ҳисобланади. Бунда даъво аризаси суд томонидан тарафлар иштирокисиз кўриб чиқилиб, ижро ҳужжати кучига эга бўлган суд қарори қабул қилинади. Фуқаролик процессуал кодексининг 171-моддасида суд буйруғи тартибида иш юритиш асослари белгиланган. Хусусан, талаб нотариал тасдиқланган битим ёки ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, коммунал хизматлар ёки алоқа хизматлари тўлови бўйича қарздорлик ва вояга етмаган болалар учун алимент ундириш, шунингдек, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаблар бўйича суд буйруғи берилади.

● Менда тақлиф бор...

Суд буйруғи ёки нотариус ижро хати:

ҚАЙСИ БИРИ АФЗАЛ ВА ҚУЛАЙ?

Арз қилинган талабнинг мазмуни бўйича суд буйруғи ариза судга келиб тушган кундан эътиборан 3 кун ичида судья томонидан берилади. Суд буйруғи судья томонидан ундирувчи ва қарздорни судга чақирмасдан, уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан яқка тартибда, суд муҳокамасисиз қабул қилинади. Агар белгиланган муддатда қарздордан судга эътироз келиб тушмаса, судья ундирувчига суднинг муҳри ёки электрон имзоси билан тасдиқланган буйруқнинг кўчирма нусхасини ижрога тақдим

этиш учун беради. Ундирувчининг илтимосига мувофиқ суд буйруғи ижро этиш учун бевосита суд томонидан юборилиши ҳам мумкин. Суд буйруғи ўн кунлик муддат ўтган, қонуний кучга киради.

Амалиётда барча фуқаролик судларида коммунал қарздорлик юзасидан суд буйруғи электрон тарзда чиқарилаётгани ортиқча овозрагарчилигининг олдини олмоқда. Бироқ коммунал қарздорлик юзасидан суд буйруғи чиқаришда айрим муаммоларни ҳал қилиш ҳам йўқ эмас. (Давоми 2-бетда) ▶

Муносабат

Конституциявий ватанпарварлик – янги Ўзбекистон фуқаросининг бурчи

Сўнгги даврда сайёрамиз миқёсидаги беқарорлик шу даражага бориб етдики, ҳатто бири-бирини яқин-яқинларгача дўсту ҳамкор ҳисоблаб келган давлатлар ўртасидаги ишончга ҳам путур етмоқда. Давлатимиз раҳбари ташвиш билан қайд этганидек, эртага дунёдаги бу нотинчлик кўлами қаергача кенгайишини, афсуски, ҳеч ким билмайди.

Ушбу очик ва ачық мулоҳазалардан барчамиз сабоқ чиқаришимиз, аниқ хулосаларга келишимиз

лозим. Яъни бугун ер юзида содир бўлаётган турли нотинчликлар, биринчидан, ана шу

воқеа-ҳодисаларга бефарқ ва лоқайд бўлмасдан, халқро майдонда огоҳ, хушёр ва сергак тарзда фаолият олиб боришимизни тақозо этади; **иккинчидан**, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиёти, Ватанимиз тинчлиги ва ободлиги, халқимиз бахти ва фаровонлигини таъминлашга, бу йўлда жамиятимизни бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва бунёдкорликка чорлайди; **учинчидан**, ҳар биримизни конституциявий ватанпарвар бўлишга ундайди. (Давоми 3-бетда) ▶



Шарҳ

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 29-моддаси 5-қисмида жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқиши, шунингдек, афв этиш ёки жазони енгилаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга деб белгилаб қўйилган.

Одил судлов соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида, аввало, инсон қадрини улғуғлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини кафолатли таъминлаш сингари эзгу мақсадлар мурасим бўлиб келмоқда. “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти” тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам айна шу мақсадда қабул қилинди.

Ушбу қонунда қонуний кучга кирмаган суд қарорларини шикоят (протест) асосида апелляция тартибида, қонуний кучга кирган суд қарорларини кассация тартибида, апелляция ёки кассация тартибида кўришга, шунингдек, қонуний кучга кирган суд қарорларини

кассация тартибида кўриш бўйича ваколатларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларга ўтказишга ҳамда юқори судлар томонидан суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун қуйи инстанция судларига юбориш амалиётини тугатишга доир процессуал нормаларни Жиноят-процессуал кодексга киритиш назарда тутилган. (Давоми 3-бетда) ▶



Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишнинг ишончли ҳуқуқий механизми яратилди.

Тузатилган хато

суд тадбиркор ҳуқуқини тиклади



Ислохотлар самараси ўлароқ жамиятимизда маъмурий судларнинг мавқеи ортиб, тадбиркорлик субъектларининг ҳақиқий ҳимоячисига айланди. (Давоми 4-бетда) ▶

Тарих тилсимлари



СОҲИБҚИРОНГА МУНОСИБ НАБИРА

ёхуд Мирзо Улуғбек сиймоси

Бобоси Соҳибқирон Амир Темур сингари «Кўрагон» – “хоннинг кўёви” унвонига эга бўлган Мирзо Улуғбек тарихда буюк ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби сифатида ном қолдирди. У ўша давр учун академия вазифасини бажарган Самарқанд илмий мактабини яратди. Қуйида Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятига оид айрим қизиқарли маълумотларни ҳикоя қиламиз. (Давоми 4-бетда) ▶

Конституциявий ватанпарварлик — янги Ўзбекистон фуқаросининг бурчи

Муносабат

«(Бошланиши 1-бетда)

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК — ТАШАБУСКОРЛИКДИР
Конституция — доимо ҳаракатдаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат. Яъни у ҳаёт жўшқинлиги ва ўзгаришларини ўзида яққол акс эттиради. Ҳозирги кунда конституциявий ватанпарварликни шакллантириш — устувор вазифа.

Шу маънода бир томондан, Ҳаракатлар стратегияси Янги Ўзбекистоннинг конституциявий қиёфасига асос бўлиб хизмат қилган бўлса, «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» конституциявий ислохотларни амалга ошириш вазифасини кун тартибига қўйди.

Айни пайтда 2021 йилдаги Ўзбекистон Президенти сайлови жараёнида барча номзодларнинг электрон вакиллари билан учрашувлари чоғида ҳаётини талабдан келиб чиққан ва мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг манфиқий давоми бўлган муҳим тақлиф — конституциявий ислохотларни амалга ошириш ташаббуси илгари сурилди.

Энг муҳими, ушбу ташаббус айнан сайловчилар, жумладан, ўқитувчилар, тадбиркорлар, фермерлар, фуқаролик жамияти институтлари ва миллий-маданий марказлар фаоллари — мамлакат аҳолисининг турли қатламлари вакиллари томонидан билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган

корлиги ва дахлдорлигига муносиб даражада фаоллик кўрсатди. Чунки замонага мос ҳаракат ва демократик ўзгаришларни талаб этаётган бугунги шиддатли давр мезонларига жавоб берадиган мукамал Конституцияга эга бўлиш — миллий давлатчилик анъаналаримизга, халқимиз манфаатларига муносиб ишдир.

Бошқача айтганда, конституциявий ислохотларни натижадорлик билан яқунлаш борасида Ўзбекистон халқи ва Президенти ўзларининг Ватанимиз тақдирига бирдек дахлдорлигини — руҳи бедорлиги ва қалби уйғоқлигини намоён этди. Бу ҳам конституциявий ватанпарварликнинг ўзига хос ёрқин намунаси.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК — МАСЪУЛИЯТДИР

Қонунни қабул қилиш — ишнинг ярми, унинг ижросини ташкил этиш ва таъминлаш қолган ярмидир, дейдилар. Бу ҳикмат Конституцияга ҳам тааллуқлидир.

Конституциямизнинг аввалги таҳрири 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон халқи томонидан “ваколатли вакиллари тимсолида”, яъни парламент аъзолари — Олий Кенгаш депутатлари томонидан қабул қилинганини биламиз. Бундан фарқли равишда, 2023 йил 30 апрель кuni мамлакатимиз Асосий қонунининг янги таҳририни “ягона Ўзбекистон халқи” бевосита умумхалқ референдумида — тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан қабул қилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда биринчидан, мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эгалиги; иккинчидан, тўғридан-тўғри амал қилиши; учинчидан, бутун мамлакат ҳудудида ягона ҳуқуқий



ҳужжат, жамият ва давлат ўртасидаги ўзига хос ноёб жамоатчилик шартномасидир. Чунки фуқаролар айнан шу Асосий қонун негизида тегишли давлат органларига ҳокимиятни бошқариш ваколатини ишониб топширадилар.

Конституция ажралмас ижтимоий қадриятларни, очик, адолатли, демократик жамият учун таянч бўлиб хизмат қилади, давлатни тараққиёт эрттиришининг устувор мақсадларини ўзида ифода этади. Конституциявий маданиятни ривожлантириш негизи бўлган ана шу конституциявий воситалар, яъни конституциявий қоидаларни атрофлича ўрганиш ҳамда теран тафаккур қилиш орқали инсон ўзлигини қайта кашф этади.

Бу ўринда ИНСОНнинг Конституцияда кафолатланган ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ва мажбуриятларининг том маънодаги эгаси сифатида намоён бўлиши ҳақида сўз бормоқда. Зеро, конституциявий ватанпарварлик худди шу асосда шаклланади ва айни ҳуқуқий фазилат инсон камолотининг ёрқин кўрсаткичларидандир.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЭЪТИҚОД — ВАТАНПАРВАРЛИК АСОСИ

Конституциявий ватанпарварлик тушунчасининг туб мазмун-моҳияти шуки, бунда фуқаролар ўз Ватани ва халқини, унинг тарихи, маданияти, азалий қадриятлари ва ҳуқуқий анъаналарини фақат севиш ҳамда ҳурмат қилиш билангина чекланиб қолмайди. Балки улар зиммасидаги конституциявий мажбуриятларни ҳалоллик ва улкан масъулият билан адо этиш орқали Конституцияда қайд этилган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатни барпо этиш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга интилади.

Конституцияни ҳаётга татбиқ этиш нафақат давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг вазифаси, балки ҳар бир фуқаро ва нодавлат нотижор таъшилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва қонуний бурчидир. Конституция талабларини бажариш, уларга сўзсиз ва қатъий риоя қилиш ҳар бир инсоннинг эътиқодига айланмоғи лозим.

Конституциявий ватанпарварлик билан ҳуқуқий маданият тарғиботи узвий боғлиқликда, шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий маърифати, тарбияси ва таълимни кучайтириш йўли билан олиб борилиши даркор. Бу жараёнда Асосий қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг аҳолига атрофлича шарҳлаш ва тушунтириб бориш давр талабидир.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК — САДОҚАТ ВА ЖАСОРАТ

Ақрият ҳолларда ушбу икки муҳим ту-

шунча ўта тор доирада талқин қилинади. Яъни “садоқат” сўзи маиший мазмунда қанчалик кўп қўлланилса, “жасорат” сўзининг ҳарбийларга хос атама сифатида қабул қилиниши ҳолатлари шунчалик кўп учрайди.

Бу, ўз навбатида, садоқат фақат оилавий муносабатларда бўлиши, жасорат эса, ҳарбийлар томонидангина кўрсатилиши кифоя, деган тор тушунчани келтириб чиқаради. Бундай ёндашув мутлақо нотўғри, янада ёмони, зиёнкордир. Аслида, агар “садоқат” сўзининг маъносини ва тарихига назар солинса, Алишер Навоий ҳазратлари ўз асарларида уни рост гапирувчи, тўғри айтувчи, вафодор каби турли маъноларда қўллагани кўринади. Бу тушунчанинг ҳозирги замонага хос мазмуни “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да дўстлик, бирдамлик, самимийлик сўзлари билан изоҳланган. “Жасорат” сўзи — мардлик, қўрқмаслик, шижоат, қаҳрамонлик, ботирлик, довораклик маъноларини беради.

Мухтасар айтганда, “садоқат” ва “жасорат” тушунчаларининг маъно қамровлари ниҳоятда кенг ва салмоқли. Бу фикрнинг янги таҳрирдаги Конституциямиз матни билан узвий боғлиқликда ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, Асосий қонун Муқаддимасида “инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, давлат суверенитети принципларига содиқлигимизни тантанали равишда эълон қилиб”, деган жумла бор. Яъни “содиқлигимизни” сўзи ишлатилган ушбу иборада халқимиз мазкур Конституцияни қабул қилишда миллий ва умуминсоний қадриятларга бирдек садоқат билан таянганлигига оид устувор қадриятга аҳамият қаратилган.

Шундай экан, янги таҳрирдаги Конституция нормаларини ҳаётимизга теран татбиқ этиш учун ҳар биримиздан, албатта, бемисл садоқат ва жасорат кўрсатиш талаб этилади.

Хулоса ўрнида муҳтарам Президентимизнинг яқинда кенг жамоатчилик билан мулоқотида айтган — конституциявий ватанпарварликнинг юксак намунаси бўлган мана ҳақоний сўзларини келтираман: “Мен умримни шу халққа тикканман! Худо менга соғлиқ бериб, умр берса, бизда камбағаллик ва ишсизлик бўлмайди. Нимага десангиз, бунга мен етти йил умримни тикдим.

Тизим яратдим, қонун яратдим, дунёни очиб бердим.

Халқим яхши яшасин, ниятлари амалга ошсин, болалари бахтли бўлсин, неваралари соғлом туғилсин, мактаби ишласин, йўллари раvon бўлсин деб ишга келдим”.

Ақмал САЙДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери биринчи ўринбосари,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори



Шарҳ Суд-ҳуқуқ ислохотларининг янги босқичи

суд қарорларини текшириш институти такомиллаштирилмоқда

«(Бошланиши 1-бетда)

Бу каби ислохотлардан кўтилаётган мақсадлардан бири судларга келиб тушган ҳар бир ишнинг судьялар томонидан ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқирилиши таъминлаш ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу қонун меъёрларини амалда тўғри ва бир хилда қўллашни таъминлаш мақсадида Олий суд Пленумининг “Жиноят ишларини апелляция, кассация тартибида кўриш амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинди.

Шу ўринда бу ҳақда батафсил фикр юритилган бўлсақ, Пленум қарорида, аввало, биринчи инстанция судининг ҳукми, ажримни устидан апелляция, кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш), апелляция, кассация инстанцияси судларида иш юритиш масалалари батафсил ёритилган.

Қонун талабига кўра, ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят келтириши мумкин.

Шу сабабли Пленум қарорининг 2-банди иккинчи ва учинчи хатбошисига кўра, апелляция, кассация тартибида иш юритиш Жиноят-процессуал кодекснинг 497²-моддаси тўртинчи қисми ҳамда 499-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига дахлдор қисми устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга бошқа шахслар томонидан ҳам қўзғатилиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилди.

Булар жумласига қонунда белгиланган тартибда процесснинг у ёки бу иштирокчиси сифатида эътироф этилган, бироқ ўзининг ҳақиқий ҳолатига кўра, суд ҳимоясига муҳтож бўлган шахслар — гаров берувчи, мулки хатланган шахс ва бошқалар кирди.

Мазкур қоида талабидан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди шикоятни қабул қилиш пайтида апелляция, кассация шикояти берган шахснинг бундай ҳуқуққа эга эканини текшириши шарт эканлиги талаб қилинади.

Шунингдек, шикоятда ёки протестда оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш, маҳкумнинг аҳоли ёмонлашишига олиб келадиган бошқа ўзгаришлар ҳақидаги қонунни қўллаш тўғрисидаги масала қўйилган бўлса, қонунда суднинг айблов ҳукмини ёхуд ажримини кассация тартибида қайта кўришга, шунингдек, суднинг оқлов ҳукмини ёки ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини кассация тартибида қайта кўришга фақат улар қонуний кучга кирганидан кейин бир йил ичида йўл қўйилиши белгиланган.

Бироқ амалиётда ушбу масала юзасидан судлар томонидан мuddатни аниқлашда турли ёндашувлар мавжуд.

Бу тушунмовчилик юзасидан Пленум қарорининг 5-бандида тегишли тушунтириш берилди. Унга кўра, бир йиллик мuddат тегишли ҳукм, ажрим қонуний кучга кирган кундан бошлаб кассация инстанцияси суди томонидан қарор қабул қилинган кун қўйилган ҳолда ҳисобланади.

Бунда бир йиллик мuddат ўтгандан сўнг берилган кассация шикояти (протести) кўриб чиқилмасдан қайтарилиши, агар кассация шикояти (протести) Жиноят-процессуал кодекснинг 501-моддасида кўрсатилган бир йиллик мuddат ўтганга қадар берилган бўлиб, ушбу мuddат иш бўйича қарор қабул қилинганга қадар

ўтиб кетса, у қаноатлантирилмасдан қолдирилиши ва бу ҳақда шикоят (протест) берган шахсга маълум қилиниши мумкин.

Маълумки, қонунда биринчи инстанция судининг ҳукми бекор қилиниши ва ўзгаририлиши учун умумий асослар белгиланган. Жумладан, апелляция, кассация инстанцияси судлари, агар чиқарилган ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилиб, уни ўзгаришсиз қолдиради.

Ҳукм ўзгаришсиз қолдирилганда апелляция, кассация инстанцияси судлари Жиноят-процессуал кодекснинг 533-моддаси биринчи қисми 1-4-бандларида кўрсатилган асос мавжуд бўлганда, ҳукмининг ижросини кечиктиришга, амнистия актини қўллашга ҳақли. Шунингдек, апелляция, кассация инстанцияси судлари томонидан қўйи инстанция суди ҳукми, ажримнинг тавсиф ёки қарор қисмига ўзгариш киритилганда ҳам, башарти бу айблов ҳажми, қилмишининг квалификацияси, тайинланган жазо тури ва миқдори ўзгаришига олиб келмаса, суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилади.

Жиноят-процессуал кодекснинг 497², 509²-моддаларига мувофиқ, апелляция, кассация инстанцияси судларига:

- жиноят ишини кўриш натижаларига кўра, ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини, протестини эса, қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида;

- 5-8-бандларида назарда тутилган ҳолларда, яъни ҳукмини бекор қилиш ва жиноят ишини тугатиш тўғрисида;

- ушбу кодекснинг 493-моддаси тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, суднинг айблов ҳукмини бекор қилиш ва жиноят ишини биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида;

- ҳукмини ўзгариш тўғрисида, шунингдек, шикоят, протест қайтариб олинган ҳолларда, апелляция, кассация тартибида иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим қабул қилиш ваколатлари берилган.

Мазкур моддалар биринчи қисмининг 2-4-бандларида назарда тутилган ҳолларда, яъни айблов ҳукмини бекор қилиш ва оқлов ҳукмини чиқариш тўғрисида, айблов ҳукмини бекор қилиш ва янги айблов ҳукмини чиқариш тўғрисида, шунингдек, оқлов ҳукмини бекор қилиш ва айблов ҳукмини чиқариш тўғрисида ҳукм чиқариш ваколатига эга.

Бироқ амалиётда бир вақтнинг ўзида ҳар икки ҳолат юзасидан қарор қабул қилиш лозим бўлган ҳолатларда айрим судлар томонидан ҳукм, айрим судлар томонидан эса, ажрим чиқариш ҳолатлари кузатилмақда.

Шу сабабли Пленум қарорининг 36-бандида бир вақтнинг ўзида ҳар икки ҳолат юзасидан қарор қабул қилиш лозим бўлса, тегишлича, алоҳида-алоҳида ҳукм ва ажрим чиқариш юзасидан аниқ тушунтириш берилди.

Айтиш керакки, Олий суд Пленумининг ушбу қарорини тайёрлаш жараёнида суд ва бошқа идоралар томонидан билдирилган қўллаб тақлиф ва фикр-мулоҳазалар инobatга олинди.

Бу ўз навбатида, амалдаги қонун талаблари юзасидан Пленум қарорида берилган тушунтиришлар мукамал бўлишга хизмат қилди.

Шу маънода айтганда, ушбу қарорнинг қабул қилиниши келгусида судлар фаолиятида, судьяларнинг бу борадаги ишларни кўриб чиқишида ягона амалиётни шакллантиришда ижобий таъсир кўрсатади.

“ Конституция — алоҳида ҳуқуқий мақомга эга олий даражадаги ҳужжат, жамият ва давлат ўртасидаги ўзига хос ноёб жамоатчилик шартномасидир. Чунки фуқаролар айнан шу Асосий қонун негизида тегишли давлат органларига ҳокимиятни бошқариш ваколатини ишониб топширадилар. ”

Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида Ўзбекистонда конституциявий ислохотлар зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси Кенгашларининг 2022 йил 20 май кuni бўлиб ўтган қўшма мажлисида мамлакатимизда конституциявий ислохотларни амалга оширишга оид чораларни кўриш масалалари муҳокама қилинди. Сайловчиларнинг хоҳиш-истакларини чуқур ўрганган ҳолда, Ўзбекистон Президенти конституциявий ислохотлар заруриятига алоҳида ургу берди.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК — ДАХЛДОРЛИКДИР

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия ташкил этилиб, унинг таркиби ва вазифалари белгиланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг конституциявий ислохотларга бевосита дахлдорлигининг яна бир тасдиғи шуки, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” китобидаги алоҳида бир фасл айнан “Конституциявий ислохотлар — Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги объектив зарурат” деб номланган. Унда сайловолди учрашувлари пайтида халқ билан мулоқот жараёнида ўртага ташланган муҳим тақлиф ва ташаббуслар, бугунги тараққиётимиз ҳамда истиқбол режаларига оид хулосалар ўз ифодасини топган.

Албатта, кенг жамоатчилик Халқ Президентининг бу борадаги ташаббус-

маконнинг асосини ташкили этишига тааллуқли конституциявий нормалар белгилаб қўйилди.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК — КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАРГА ИТОАТКОРЛИК

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг алоҳида боби, яъни III боб — “Конституция ва қонуннинг устуңлиги”, деб номланган. Ўз навбатида, Асосий қонунимизнинг 16-моддасида Конституция нормаларини тўғри талқин этиш ва тўлиқ бажариш ҳамда уларга қатъий риоя этиш зарурлигига оид муҳим қоидалар қайд этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай қонун аввало уни билиш ва ҳурмат қилиш, унга сўзсиз риоя этиш орқали том маънода қонунийлик касб этади. Конституциянинг нормаларини ҳам айнан ана шу онгли итоаткорлик ҳаракатга келтиради.

Бу, авваламбор, мансабдор шахсларнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам Конституцияни билишларини қатъий талаб этади. Юксак ҳуқуқий маданиятсиз Конституциянинг бой салоҳиятини тўлиқ амалга ошириш мумкин эмас. Аммо Конституцияни билишнинг ўзи билан ҳам кифояланиб бўлмайди. Шу боис жамиятда конституциявий маданиятни шакллантириш устувор аҳамият касб этади.

Улуғ мутафаккир Абу Наср Форобий таъкидлаганидек, **билим яхши хулқ-атвор билан безатилган бўлиши лозим.**

Демак, ҳуқуқий билим ва конституциявий хулқ-атворни ўзаро мужассам этган ҳолда, Конституция нормалари ҳар бир шахс ва бутун жамият ҳаётига чуқур татбиқ этилиши даркор.

Бинобарин, Конституция — алоҳида ҳуқуқий мақомга эга олий даражадаги

буйрук

судда бекор қилинди

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 4-сонли оилавий поликлиниканинг меҳнатга лаёқатсизлик варақасида Д.Қиёмова 2023 йил 6 июндан 13 июнга қадар “сурункали бронхит” касаллиги билан даволангани қайд этилган.

Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2024 йил 19 январдаги хатида Д.Қиёмовага берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақасида белгиланган талаблар асосида расмийлаштирилгани, унга нисбатан текширув ва даволаш муолажалари

тўғри бажарилгани маълум қилинган. Ана шу асосга таянган судлов ҳайъати иш берувчи томонидан Д.Қиёмова билан тузилган меҳнат шартномаси унинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги даврида бекор қилинган, деган хулосага келди.

Биринчи инстанция суди иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳақиқий ҳолатларни аниқлашдан, тўлиқ ва холисона текширмасдан, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаб, даъво талабларини рад қилиш ҳақида асоссиз хулосага келган. Шу боис апелляция



инстанцияси иш берувчининг 2023 йил 8 июндаги буйругини ноқонуний деб топиб, Д.Қиёмовани ўз вазифасига ишга тиклади. Бундан ташқари Навоий вилояти Транспорти бошқармаси ҳисобидан Д.Қиёмованинг фойдасига мажбурий бекор юрган кунлари учун 71.389.606 сўм иш ҳақи ва 9.000.000 сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Мамлакатимиз Конституциясида ҳар бир кишининг меҳнат ҳуқуқи кафолатланган. Аммо айрим иш берувчиларнинг Конституция ва меҳнат қонунчилиги талабларига эътиборсиз қараш илччи-ходимларнинг овра бўлишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, бундай ноқонуний хатти-ҳаракат иш берувчиларнинг ўзига ҳам қим-

матга тушмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Конституция ва қонун талабларига қатъий риоя этиш қонунийлигини таъминлашнинг муҳим шарт эканини кўрсатади. Зеро, қонун устувор бўлган жойда ортиқча оворагарчиликка ўрин қолмайди.

Бехзод ШЕРМАТОВ,
Навоий вилояти суди судьяси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

УЛУҒБЕКНИНГ ДУНЁГА КЕЛИШИ КЎПЛАБ ИНСОНЛАР ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛГАН

Амир Темур 1394 йилда Ироқдаги Мордин қалъасини қамал қилади. Шу вақтда Соҳибқироннинг Султониядаги қароргоҳида Улуғбек дунёга келади. Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асариде ёзилишича, чопарлар Амир Темурга Улуғбекнинг туғилгани ва мунажжимлар бу набира келажакда ҳам олим, ҳам ҳукмдор бўлишини башорат қилгани ҳақидаги хушxabарни етказди. Соҳибқирон хурсандлигидан Мордин қалъаси қамалини тўхтатиб, унинг халқиға юклаган ўлпон тўловини бекор қилади.

ЎН БЕШ ЁШЛИ МИРЗО УЛУҒБЕК БОБОСИНИНГ САМАРҚАНДДАГИ ТАХТИГА УТИРГАН

Хуросон ҳокими, Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шохрух Мирзо 1409 йилда теурийлар давлатининг олий ҳукмдори сифатида эътироф этилган, қўлга киритилган Мовароуннахри идора этишни Туркистон вилояти билан бирга Мирзо Улуғбекка топшириб, Соҳибқирон васиятини қайта тиклади. Ёсмир ёшдаги Улуғбек бу худудларни дастлаб Шохмалик ёрдамида бошқарган бўлса, 19 ёшидан мустақил идора этишга киришди. Мирзо Улуғбек ўз ҳукмронлиги давомида икки марта йирк ҳарбий юриш қилди.

ҲАРБИЙ СТРАТЕГИЯЛАРДАН МОҲИРОНА ФОЙДАЛАНГАН

Мирзо Улуғбек 1425 йили ўзининг Мўғулистонга қилган биринчи йирк ҳарбий юриши чоғида қўшин миқдори ҳақида душман нотўғри тасаввурга эга бўлиши учун ҳар бир жангчисиға тунда беш ерда гулхан ёқишни буюрган. Мирзо Улуғбек қўллаган бу усул ҳарбий санъатда “арғай ўт” (мўғулча арға – алдаш, туркча – ўт, олов) деб номланади. У душманни чалғитиш мақсадида қўшин ишқорини кўпайтириб кўрсатиш учун мислатилади. Юриш Мирзо Улуғбек ғалабаси билан тугаган.

СОҲИБҚИРОН САҒАНАСИГА НЕФРИТ ҚАБРТОШ ҚЎЙДИРГАН

Самарқанддаги “Гўри Амир” мақба-



СОҲИБҚИРОНГА МУНОСИБ НАБИРА

ЁХУД МИРЗО УЛУҒБЕК СИЙМОСИ

расида теурийлар сулоласиға мансуб кишилар дафн этилган. Мақбара тўрида Соҳибқироннинг пири Мир Саййид Барака, унинг қабри оёқ томонига Амир Темур дафн қилинган. Амир Темур сағанасиға қўйилган кўк нефрит қабртошини Мирзо Улуғбек Мўғулистонга қилган юриши вақтида олиб келган. Тошдаги лавҳада Соҳибқиронни улуғлайдиган сўзлар, унинг шажараси ҳамда марсиялар ўймакор ёзувларда битилган. Кейинчалик Мирзо Улуғбекнинг ўзи ҳам шу ерға дафн этилган.

“БИБИХОНИМ” ЖОМЕЪ МАСЖИДИГА УЛКАН ЛАВҲ ЎРНАТТИРГАН

Самарқандда Амир Темур Бибиixonимға атаб барпо этилган “Бибиixonим” жомеъ масжиди бор. Унинг ҳовлиси ўртасида мрамартошдан ясалган улкан лавҳ – Қуръон ўқиладиган махсус курси бўлиб, у дастлаб асосий бино ичида турган (1875 йилда катта гумбазнинг кулаши хавфи туфайли у ҳовли ўртасиға чиқариб қўйилган).

Ушбу лавҳ Мирзо Улуғбек фармонига биноан XV аср ўрталарида ясалган. Бу унинг ёшлиғида таълим-тарбия берган Бибиixonимға кўрсатган эҳтиром рамиз ҳисобланади. Унга “Султоним азим, олий химматли хоқон, дин-диёнат ҳомийси, Ханафия мазҳабининг посбони, аслзода султон, ибни султон,

САМУРАҚАНДА ЧИННИДАН САРОЙ БАРПО ЭТТИРГАН

XV асрнинг 40-йилларида Мирзо Улуғбек Самарқанднинг Чўпонота тепалиғида, расадхонаға яқин жойда сарой бунёд эттирган. Сарой деворлари чинни билан қоплангани учун “Чиннихона” деб аталган.

Мирзо Улуғбек олимлар билан бирга шу ерда самовий кузатув, илмий тадқиқотлардан сўнг ҳордиқ чиқаришган. “Чиннихона”нинг кўшиқда рангли шишалар ишлатилган. Археологик қазималар жараёнида бу ердан топилган тош тахтачалардан бирида “бахтли бўл” деган ёзув битилгани аниқланган.

Яқин йилларғача Мирзо Улуғбек фақат астроном ва математик деб ҳисобланарди. Аммо у жуда серқирра фаолият юришиб, тарих, шеърят ва мусиқа бобида ҳам қалам тебратган.

УЛКАН ГЛОБУС ВА 50 МЕТРЛИ ҚУЁШ СОАТИ

XV асрда Самарқанддаги Мирзо Улуғбек қурдирган расадхонада каттагина глобус бўлган. Унда иқлимларнинг чегаралари, тоғлар, чўллар, денгизлар ва дарёлар кўрсатилган. Бинобарин, дунёдаги иккинчи глобусни Самарқанд астрономлари ясаган. Мирзо Улуғбекнинг ўлимидан кейин у мутаассиблар томонидан йўқотилган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Мирзо Улуғбек Самарқандда баландлиғи 50 метрли қуёш соати ҳам ясаган. Ушбу ноёб соат ҳам сақланиб қолмаган.

МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ДАСТХАТИ БИЗГАЧА ЕТИБ КЕЛГАН

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида Мирзо Улуғбекнинг самарқандлик хаттот Азизулло томонидан “насх” хатида тахминан 1439 йилда кўчирилган “Зижи Кўрагоний”си сақланмоқда. Кўлёмза саҳифаларида Улуғбекнинг тузатишлари бор. Ушбу тузатишлар унинг дастхати ҳақида ҳам маълумот беради.

САМАРҚАНДА ЧИННИДАН САРОЙ БАРПО ЭТТИРГАН

XV асрнинг 40-йилларида Мирзо Улуғбек Самарқанднинг Чўпонота тепалиғида, расадхонаға яқин жойда сарой бунёд эттирган. Сарой деворлари чинни билан қоплангани учун “Чиннихона” деб аталган.

Мирзо Улуғбек олимлар билан бирга шу ерда самовий кузатув, илмий тадқиқотлардан сўнг ҳордиқ чиқаришган. “Чиннихона”нинг кўшиқда рангли шишалар ишлатилган. Археологик қазималар жараёнида бу ердан топилган тош тахтачалардан бирида “бахтли бўл” деган ёзув битилгани аниқланган.

МИРЗО УЛУҒБЕК ХАЗИНАСИНИ ШОГИРДИ САҚЛАБ ҚОЛГАН

Самарқандлик олим, Мирзо Улуғбекнинг яқин шогирди Али Қўшчининг отаси Амир Темур қароргоҳининг бошлиғи бўлган. Мирзо Улуғбек саройида қарчиғайлар боққани учун Алиға “Қўшчи” тахаллуси берилган. Мирзо Улуғбек “Зижи Кўрагоний” асарининг сўзбошисида Али Қўшчини “азиз фарзандим” деб атаган.

Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг унинг Самарқанддаги 15 минг дона китобдан иборат машҳур кутубхонаси хавф остида қолади. Кутубхонани “ўз даврининг Птоломейи” номини олган Али Қўшчи сақлаб қолган, деган тахминлар бор. Ривоятларға қараганда, кутубхонадаги китобларнинг кўп қисмини Али Қўшчи Самарқанд яқинидаги Ҳазрат Башир қўشوлиға кўчирган. Аммо ордан кўп ўтмай у таъкиблардан қочиб, Самарқандни тарк этган.

Рустам ЖАББОРОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори



Бу ҳаётда одамларнинг феъл-атвори ҳам хил бўлгани каби қисмат йўллари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Айниқса, ғаройиб қобилиятли инсонлар тақдири сир-синоатларға бойлиғи билан кўпчилик эътиборини тортади. Қўйида шундай қисмат эгалари хусусида ҳикоя қиламиз.

Ҳаётда кўпинча одамлар паршонхотирликдан азият чекишади. Ўз хотирасини мустаҳкамлаш борисида турли табиий ва тиббий муолажалар олишдан эринмайдиган кишилар ҳам топилади. Не ажабки, ҳаётда хотираси мустаҳкамлиғидан азият чекадиган инсонлар ҳам бор экан. Хусусан, Нью-Йорк шаҳрида яшайдиган Жилл Прайс кўраган-билганини эслаб қолиш бўйича энг иқтидорли қизлардан саналади. Унинг хотираси шу қадар ноёбки, ақли кўламиға тасаввур ожизлик қилади. Чунончи, у икки йил олдинги арзимеган маълумотларни, масалан, турли ҳидлар, иборалар, ошхона таомномаси каби бир пасдан кейин эслаш мутлақо шарт бўлмаган нарсалар тафсилотларини худди компьютерда сақлангандек беҳато айтиб бера олади. Бундай сердиққат вазиет Жиллнинг ҳаётини чалкаштириб юборганини айтса, ҳеч ким ишонмайди. Бироқ бу рост: у ўз хотирасини “тахрир” қила олмайди — нима қандай содир бўлса, уни шу тарзда тўлиқ эслаб қолади ва йиллар давомида улардан лоақал биттасини ҳам унута олмайди.

Бу қизчани, айниқса, ёмон тушлар тафсилоти қаттиқ изтиробга солади. Чунки у тушларини ҳам гўёки кино кўрагандек ёдида сақлаб қолади. Аслида, у бундай бўлишини истамайди.

Ажабланарлиси, Жилл Прайс ўзини даволатиш учун Калифорниядаги нейробиология илмий-тектириш касалхонасига мурожаат этиб, 11 ёшидан буён ўз бошидан кечирган барча воқеа-ҳодисаларни оқизмай-тозиммай айтиб беради, умуман гапира олмай қолган бўлса-да, нутки тикланади, бироқ овози мутлақо беғона эди. Танаси худди космосдагидек вазнсизлик ҳолатида бўлиб, гўё учиб юрарди. Теварак-атрофдаги воқеалиқларни шу қадар тез ўзлаштирадиган, ёнидаги бе-морнинг ордиқлари айнан ўша тана аъзосиға мос равишда унга кўчарди. Бунинг устиға у ҳеч ҳам узала тушиб ёта олмасди, бироз ёношларди, холос. Шунча кўргуликлар етмагандай, у умуман ухлай олмасди, ҳатто энг таъсирчан ухлатадиган воситаларнинг ҳам ҳеч қандай нафи теғмасди. Шу тариқа у нақ 16 йилни бедорликда ўтказди. Энг ҳайратланарлиси, нақадар узоқ давом этган уйқусизлик унинг организмизға зарарча салбий таъсир ўтказмади, аксинча, жуда ёш кўринди. Аниқроғи, ҳозир Циперович 70 ёшда, аммо кўпи билан ўрта яшар одамдек тетик ва соғлом.

Жаноб Салливан эса, дастлабки яшин зарбасиға 1962 йилда дучор бўлган. Ушанда кучли момақалдиқроқни кўриб, у ёғочдан ясалган ўт ўчирувчилар минорасиға бекинади. Шу заҳотиёқ яшин у жойға тушади, ёғоч минора ёна бошлаганини кўрган Рой у ердан жон ҳолатда қочади, бироқ кейинги зарба унинг оёғиға келиб теғади.

Шундан сўнг табиат уни қарийб 26 йил давомида умуман безовта қилмайди. Та-

Интернет материаллари асосида
Хумоюн Мирзо тайёрлади.



суд тадбиркор ҳуқуқини тиклади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Масалан, “Elektrokimyo-zavod” қўшма корхонаси акциядорлик жамияти Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси ва Давлат кадастрлари палатаси Навоий вилояти бошқармасининг ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиб, жавобгарлар зиммасиға 21:03:06:12:03:3545 кадастр рақамини қўшма корхона номидан чиқариш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги ариза билан судға мурожаат қилган.

Суд муҳокамасида аризада кўрсатилган масалаға ойдинлик киритилди. Давлат кадастрлари палатаси Навоий вилояти бошқармаси Кармана туман филиали бошлиғининг 2024 йил 24 февралдаги хатида 21:03:06:12:03:3545 кадастр рақамли умумий ер майдони 1.174.619,2 квадрат метр, умумий фойдали майдони 5.177,35 квадрат метр, қурилиш ости майдони 1.749,25 квадрат метр бўлган бино ва иншоотлар маълумотлар базасида техник хатолик сабабли “Elektrokimyo-zavod” қўшма корхонаси номига бириктирилгани қайд этилган.

Бунинг оқибатида қўшма корхонаға теғишли бўлмаган бино ва иншоотлар учун асоссиз равишда мол-мулк ва ер солиғи ҳисобланган. Маъмурий суд ишларини юрийтиш тўғрисидаги кодексининг 27-моддаси 2-бандиға кўра, маъмурий судлар маҳаллий давлат ҳокимияти ор-

ганлари, давлат бошқаруви органлари, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалға оширишға ваколатли бўлган бошқа органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунчиликка мос келмайдиган ҳақида фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиғи) юзасидан низолаштиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.

Навоий туманлараро маъмурий судининг 2024 йил 24 февралдаги ҳал қилув қарориға кўра, “Elektrokimyo-zavod” қўшма корхонаси акциядорлик жамиятининг даъво аризаси қаноатлантирилди. Шу тариқа тадбиркорлик субъектининг бузилган ҳуқуқи қонуний асосда тикланди.

Мухтасар қилиб айтганда, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишға хизмат қилмоқда. Бу уларнинг одил судловға бўлган ишончини ошириши баробарида маъмурий органлар мансабдор шахсларининг қарорларини қабул қилишда қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш борисидаги масъулиятини янада кучайтирмоқда.

Давлат БОБОНОРОВ,
Навоий вилояти
маъмурий суди судьяси

Пойтахтимиздаги Университетларнинг бирида тахсил оладиган Лола Зайниева (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўтган йилнинг бошларида интернетдаги телеграмм канали орқали россиялик “Зина” исмли аёл билан танишиб қолади, улар тез орада апоқ-чалоқ бўлиб кетишади. Орадан кўп вақт ўтмай Зина унга мўмай даромад келтирувчи иш билан шуғулланишни таклиф этади.

— Қандай иш экан, сир бўлмаса? — деб сўрайди Л.Зайниева.

— Жуда масъулиятли, аммо сердаромад иш, — дейди Зина. — Агар хоҳишини босса, йўл-йўриқ кўрсатаман...

Қисқаси, “Зина” “сердаромад иш”нинг номини ёзади ва уни телеграммдан “излов” бўйриғи орқали ўзи топиб олишини айтади. Л.Зайниева ижтимоий тармоқдаги профилда рўйхатдан ўтиб, вазифаси, ишлаш тартиби, вақти, хизмат ҳақи ҳақида тўлиқ маълумот олади. Сўнгра профилдаги сирли раҳбарнинг кўрсатмалари асосида иш бошлайди.

Л.Зайниева “наркокурьерлик” — гиёҳванд моддаларини ташиниш ва етказиш ишларини бажариши учун зарур бўлган захри қотил яширилган жойни аниқлаб беради, яшириш жойини белгилайдиган, бир неча суратни битта жойда жамлайдиган, электрон ҳамён каби иловаларни телефони хотирасиға юклаб олади. Шундан сўнг сирли раҳбар топшириғиға асосан бир хонадонни ижараға олиб, захри қотилни қадоқлаш учун керак бўладиган яшириш жойини хал қилади.

Тайёрдир босқичдан ўтган, раҳбаридан хабар келади: “Се-



нинг асосий вазифанг — телеграммдан юборилган манзилларға бориб, яшириб қўйилган “махсулот”ни топиш, сўнгра уни турли оғирлик ва ҳажмдаги бўлақларға бўлиб, қайта қадоқлаш ва келгусида интернет тармоғи орқали сотиш учун кўрсатмамиз бўйича белгиланган худудларға қайта яшириб чиқишдан иборат”.

Л.Зайниева бу нопок ишнинг ўта қалтислиғини ўйлаб, синглиси Комила ва таниши Даврон Аҳадовни ҳам бу қилмишға жалб этади. Улар мўмай даромад дарагини эшитиб, унинг таклифиға дарров рози бўлишади. Шундан сўнг ҳамтовоқлар “ҳамкасблари” томонидан яшириб кетилган захри қотилни топиб, уни ижарадаги уйиға олиб келиб, қайта қадоқлашади. Кейин эса, топшириқ асосида захри қотилни янги манзилға яшириб келишади.

Қундан-қунға жўнатмалар вазни ҳам, унга тўланадиган ҳақ миқдори ҳам ошиб боради.

Ҳамтовоқлар ишлари бароридан келаётган ва мўмайгина даромад топишаётганидан жуда хурсанд эди. Қиш фасли бошланиши арафасида уларға яна бир топшириқ келади: Тошкент туманида жойлашган қурилиш тугалланмаган бинонинг орқа тарафидаги майдонға кўмиб қўйилган 3,9 килограмм миқдордаги синтетик гиёҳвандлик воситаларини олиш керак!

Ҳамтовоқлар белгиланган жойға етиб бориб, захри қотилни қазиб олишаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинади. Табиийки, нопок ишға қўл урган ҳамтовоқларға нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

Ҳамтовоқлар белгиланган жойға етиб бориб, захри қотилни қазиб олишаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинади. Табиийки, нопок ишға қўл урган ҳамтовоқларға нисбатан жиноят иши кўзғатилди.

Ғафур ОМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Нурафшон шаҳар суди раиси
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
журналист